

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ФАКУЛТЕТИ
СПОРТ ЎЙИНЛАРИ КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: ВОЛЕЙБОЛДА – СТРАТЕГИЯ ВА
ТАКТИКА



Бажарди: 13/103 гуруҳ Камолов Фаррух Баходирович

Текширди: Қдирова Муҳаббат

Тошкент-2017

Мавзу: Волейболда – стратегия ва тактика

Режа:

- 1. Стратегия ва тактика ҳақида тушунча**
- 2. Замонавий волейболда қўлланиладиган атамалар**
- 3. Тактиканинг психофизиологик ва стратегик моҳияти**
- 4. Стратегик режа ва спорт разведкаси**

Стратегия – юнонча сўз бўлиб, аксарият ҳарбий соҳага мансуб бўлиб қўшинни белгиланган мақсад сари бошлаш, олиб бориш, унга усталик билан эришиш санъатини ифодалайди.

Спорт соҳасида ва айнан волейболда мазкур атама муайян спортчи ёки жамоанинг тайёргарлик жараёнини бошқариш ҳамда уни мусобақалар давомида ғалабага олиб бориш санъатини англатади.

Стратегия: жамоанинг асосий ва ўринбосар таркибини тузиш-жамлаш, мусобақани бошқариш усуллари, воситалари ва шакллари ишлаб чиқиш, муайян учрашувнинг (мусобақанинг) тактик режасини тузиш, бўлажак ўйиннинг назарий ва амалий андозасини (нусхасини) қўллаб кўриш ҳамда ўтказилаётган мусобақаларни атрофлича таҳлил қилиш каби тадбирларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, стратегияга рақиб жамоаси, унинг ўйинчилари ҳақида маълумотлар йиғиш, разведка (айғокчилик) асосида рақибнинг бутун имконият ва хусусиятларини билиб олиш масалалари киради. «Тактика» атамаси ҳам юнонча сўз бўлиб, том маънода «тартибга келтириш» ёки «маълум тартибда жойлаштириш» тушунчасини англатади. «Тактика» сўзи «стратегия» атамаси каби ҳарбий соҳага доир бўлиб, қўшинларни мақсадга мувофиқ тузиш ва уларни оғир вазиятларга қарамасдан ғалаба чўққисига етаклаш санъатини назарда тутди.

Волейболда тактика тушунчаси ўйин вазиятини эътиборга олган ҳолда самарали ва мақсадга мос шакл, усул ҳамда воситаларни қўллаш асосида ғалабага эришиш санъатини билдиради.

«Тактика» – юнонча сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида «тартиб», «тартиблаштириш» маъносини англатади.

Волейболда ўйин тактикаси деб муайян жамоанинг иккинчи бир жамоа устидан якка, гуруҳ ва жамоа ҳаракатлари ёрдамида ғалабага эришиш санъатига айтилади.

Тактиканинг асосий вазифаси муайян рақиб жамоага нисбатан мавжуд вазиятга қараб ғалаба сари қўлланиладиган ўйин воситалари, усуллари ва шакллари аниқлаб, қўллай олишдан иборат.

Тактик комбинатсия – бу бир ўйинчига ҳужум қилиши учун қулай шароит яратиб беришга қаратилган бир неча ўйинчининг ҳаракат фаолиятidir.

Ўйин интизомини – ҳар бир ўйинчи фаолиятининг жамоа фаолиятига бўйсунishi, бўлажак ўйинда режалаштирилган тактик кўрсатмаларни амалга ошириш, ўйин қоидалари ва умуминсоний хислатларга амал қилиш ва ҳоказо.

Замонавий волейболда қўлланиладиган атамалар

Биринчи темп атамаси ҳужум комбинатсиясини биринчи бўлиб бошлайдиган ўйинчига тегишли бўлиб, у деярли «паст» ва тез узатиладиган тўп билан ҳужум уюштиради.

Иккинчи темп – комбинатсияни иккинчи бўлиб бошлайдиган ўйинчи. Бу ўйинчи ҳужумни асосан баланд узатиладиган тўп асосида ташкил этади.

Бир темпда ташкил этиладиган ҳужумда бир йўла икки ёки уч ўйинчи зарба бериш учун бир вақтда сакрайдилар.

«Тўлқин» комбинатсиясида икки ҳужумчи иштирок этади. Биринчи ҳужумчи сакраб, ерга тушаётганда, иккинчи ҳужумчи сакраб зарба беради.

«Ешелон» комбинатсиясида икки ҳужумчи кетма-кет сакрайди, тўп ҳужумчиларнинг қайси бирига қулай узатиладиган бўлса, шу ҳужумчи зарба беради.

«Крест» комбинатсиясида икки хужумчи бир-бирининг ҳаракат йўналишини кесиб, мувофиқ узатилган тўпдан мувофиқ хужумчи зарба беради. Шу комбинатсияни турли шаклда ижро этиш мумкин (қайта «Крест», кичик «Крест», катта «Крест»).

Морита финтини биринчи бор 1969-йилда ГДРда ўтказилган Жаҳон Кубогида япон ўйинчиси Морита қўллаган.

Бу финт биринчи «ёлғон» сакрашдан сўнг иккинчи бор тўлиқ сакраб зарба беришдан иборат. Мақсадли – тўсиқ қўювчи рақиб ўйинчи пастга тушаётганда сакраб зарба бериш, яъни тўсиқсиз зарба бериш билан ифодаланади.

Бундан ташқари, ушбу комбинатсияларнинг турли нусхалари ва шакллари мавжуд. Қуйида ўйин тактикасининг таснифи – туркумларга бўлиниши ифодаланган.

Тактиканинг якка, гуруҳ ва жамоа шакллари мавжуд. Тактиканинг усуллари ўйин тизимларидан ва комбинатсиялардан иборат. Тактиканинг воситаларига эса бу ўйин малака (приём)лари ва уларни барча турлари киради.

Тактиканинг психофизиологик ва стратегик моҳияти

Муайян мусобақаларга мўлжалланган тактик йўналиш, тактик шакл, усул ва воситалар олдиндан режалаштирилган стратегик дастурга бўйсиниш лозим. Барча тактик ҳаракатлар тактик билимлар, фикрлаш, вазиятни тўғри баҳолаш, мақсадга мувофиқ қарор қабул қилиш, жисмоний қобилият, техник маҳорат ва ирода имкониятларига асосланиши керак.

Тактик ҳаракат кибернетика нуқтайи назаридан мураккаб вазиятда энг самарали қарорни топиш ва унга муносиб ҳаракат қилиш билан боғлиқ бўлган ўз-ўзини созлаб бошқарувчи фаолиятни англатади.

Тактик ҳаракат МНСнинг афферент – эфферент нерв ретсепторлари, толалари иштирокида ташқи муҳит таъсиротларини қабул қилиш, хотирада

сақлаш, таҳлил қилиш, вазиятга муносиб равишда қайта ишлаб мотивизатсияни қониқтирувчи қарорга келиш каби фаолиятлар билан боғлиқ бўлган психофизиологик жараёндан иборатдир.

Тактик ҳаракатнинг самарали бўлишида бош миёна ярим шарларини вазиятини олдиндан билиш (акс этириш) қобилияти алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур қобилият мусобақа вазиятларига нисбатан тўғри қарорга келиш ва мақсадга мувофиқ тактик ҳаракат қилиш самарасини оширишга имкон яратади. Албатта, бундай қобилиятни такомиллашуви спортчини ўйин тажрибасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўқув-машғулотлар жараёнида ҳали рўй бермаган вазиятни олдиндан фаҳмлаш, унга мос қарорни тайёрлаш ва тахминий ҳаракат режасини хотирада акс этириш қобилиятларини ривожлантиришга оид машқларни танлаш ва улардан унумли фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга. Юқори даражада такомиллашган мазкур қобилият тактик ва стратегик режани амалга оширишда муҳим пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Олдиндан фаҳмлаш ва вазиятга муносиб ҳаракат қилиш қобилиятини ривожлантиришга оид машқларни қўллашда 3 та жараёндан иборат фаолиятни бажариш зарур бўлади:

1. Мусобақа вазиятини «ҳазм» қилиш (қабул қилиш, фаҳмлаш).
2. Махсус тактик вазифани фикран бажариш.
3. Тактик вазифани ҳаракат билан бажариш.

Юқорида муҳокама қилинаётган тактик ва стратегия пойдевори бўлмиш психофизиологик жараён академик П.К.Анютин (1974) кашф этган функционал система назарияси билан боғлиқдир. Демак, бундан кўриниб турибдики, ўйин жараёнида самарали тактикани ҳамда тайёргарлик даврида стратегик режани амалга ошириш махсус назарий билим ва амалий малакаларнинг юқори даражада такомиллашувини тақозо этади.

Жамоа тайёргарлигининг умумий стратегияси тартиб билан амалга ошириладиган бир неча тадбирлардан иборат бўлади ва қуйидаги андоза – тасниф сифатида ифодаланиши мумкин.

Жамоа тайёргарлигининг умумий стратегияси ва тактикаси – стратегик айғоқчилар (разведка) – жамоа тайёргарлигининг стратегик режаси – жамоани жамлаш ва жамлаб бориш – жамоанинг тактик тайёргарлиги ўқув-тренировка машғулоти, кўрик ўйинлари, тайёрлов мусобақалари, асосий мусобақалар, моддий таъминот. Тиббий ва педагогик назорат – спорт базаси, ускуналар, анжомлар ва спорт формаси (кийими) – шифокор назорати, тактик тайёргарликни тест ёрдамида баҳолаш, танланган стратегик йўналишнинг якуний натижаларини таҳлил қилиш.

Стратегик режа ва спорт разведкаси

Стратегия – маълум тартибда амалга ошириладиган ва мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни ўз ичига олади. Жумладан, стратегия муайян спорт тури бўйича моддий омил яратиш: замонавий спорт иншоотларини барпо қилиш, ускуна, анжом, спорт мосламалари ва спорт кийимлари билан таъминлаш масалаларини ўз ичига олади.

Стратегик режа тайёргарликнинг йўналиши, мусобақаларда иштирок этиш тажрибасини ўрганиш, рақиб клуби ва жамоаси ҳақида маълумотлар йиғиш тадбирлари билан боғлиқдир. Спортчиларни тайёрлаш стратегияси борасида жамиятга, спорт мактабига ёш, истеъдодли болаларни танлаш ва жалб қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Стратегик режада қўйилган мақсадга юқори самара билан эришиш, аксарият стратегик разведканинг натижаларига боғлиқ бўлади.

Стратегик разведка рақиб ўйинчиларнинг индивидуал жисмоний руҳий, ижтимоий, тактик, техник хусусиятларини мукаммал билиб олишга эришиш, рақиб жамоасининг тактик имкониятларини, унинг ютуқ ва камчиликларини, ҳатто жамоанинг машғулот ўтказиладиган иншоотлари шароитини, у ердаги иқлим ва техник омилларни билишни тақозо этади.

Стратегик разведка нафақат рақиб спортчилар ҳақида, балки жамоа мураббийлари, уқаловчи шифокорлари ва раҳбарлари ҳақида кенг маълумотларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Стратегик разведка қанчалик самарали ва сифатли ташкил қилинса, шунчалик спорт натижаларини, умуман, спорт муваффақиятини олдиндан янада аниқроқ режалаштириш мумкин бўлади.

Ўйинчининг ўйин ихтисослиги ва жамоа тактикасини тузиш

Волейбол жамоаси таркибидаги ўйинчилар мусобақа давомида майдонда жойлашишларига қараб барча мавжуд ўйин функцияларини бажарадилар. Шу билан бир қаторда ҳар бир ўйинчи муайян ўйин функциясига ихтисослашган бўлади, яъни уни ўзига хос ўйин «касби» бўлади. Масалан, асосий зарба берувчи, боғловчи ўйинчи (тўп узатувчи) ва хоказо.

Ўйинчининг ўйин «касби» унинг жисмоний, морфологик, техник ва тактик имкониятларига қараб йиллар давомида шаклланиб, борган сари ихтисослаша боради.

Замонавий волейболда ўйинчи ўзининг танланган (ихтисослашган) ўйин «касби»ни юқори савияда маҳорат билан ижро этиш билан бирга, ўзга ўйин функцияларини ҳам маромига етказиб бажариши тақозо этилади. Демак, юқори малакали спортчиларни тайёрлашга қаратилган кўп йиллик ўқув-тренировка машғулотларида ўргатиш ва такомиллаштирилган ўйин функцияси асосида амалга оширилади.

Жамоа таркибини яратиш-жамлаш ҳам мазкур масала билан чамбарчас боғлиқдир. Замонавий волейболда жамоа таркиби аксарият 4-2 ёки 5-1 тизими асосида тузилади. У 4 та ҳужумчи, 2 та боғловчи – тўп узатувчи ўйинчилардан иборат бўлади. Мазкур ўйинчилар қуйидагича жойлашишади: 4-1, 3-6, 2-5.

4-1 – асосий ҳужумчилар, (2 темпли ҳужумчилар); 3-6 – ёрдамчи ҳужумчилар, (1 темпли ҳужумчилар); 2-5 – боғловчи ўйинчилар. Агар жамоа таркиби 5-1 тизими асосида тузилган бўлса, унда 5 та ҳужумчи ва 1 та боғловчи ўйинчи майдонда фаолият кўрсатишади.

Ўйин фаолиятида сардорнинг аҳамияти

Волейбол ўйинида барча спорт ўйинлари турларидагидек мураббий ўз шогирдлари билан фақат ўйин олдидан, партиялар орасида, танаффус вақтида қисқа муддатли мулоқотда бўлишлари мумкин. Масаланинг мазкур тартибда амалга оширилиши мусобақа қондаси билан белгиланган. Шунинг учун ўйин давомида ўйинчилар фаолиятини бошқариш функцияси жамоа сардорига юклатилади.

Сардор мураббийнинг ўйинга берган кўрсатмасини, тактик ва стратегик режасини муайян ўйин давомида амалга татбиқ қилиши керак бўлади. Айрим вақтларда вазиятга қараб ўйиннинг тактик йўналишини бошқариш яна сардорга юклатилади. Бунда сардор мураббийнинг мунтазам бериладиган (мумкин бўлган вақтда) қўшимча кўрсатма ва йўриқларига асосланади. Сардорнинг ўйинчилар билан бўладиган алоқаси, кўрсатмаси сўз, имо-ишора ва бошқа белгилар воситасида амалга оширилади.

Бундан кўриниб турибдики, сардорлик функциясининг сифатли ва самарали ижро этилиши ҳам яхши натижа бериши аксарият сардорнинг нафақат инсоний обрўсига, балки унинг ўйин маҳоратига боғлиқдир. У юқори малакага, маҳоратга эга бўлишидан ташқари, ўткир зехнли, зукко, вазиятни олдиндан пайқовчи, тез ва тўғри фикрловчи бўлиши лозим. Сардорда олий инсоний сифатлар мужассамлашган бўлиши, ташкилотчилик қобилияти, йўлбошчилик санъати мусобақа жараёнида алоҳида ўрин эгаллайди.

Жамоа сардорлари аксарият жамоадорларига нисбатан ёши нуқтайи назаридан каттароқ, тажрибалироқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Сардорлик «лавозими» волейболнинг амалиёти ва назариясида илмий томондан пухта ўрганилмаган бўлиб, илмий муаммо сифатида ўз ечимининг тадқиқот асосида ҳал этилишини кутмоқда. Мазкур «лавозим» моҳияти ва мазмунини шакллантириш ёки юқори маҳоратли сардорни тарбиялаш мураббий-мутахассисларга тўғридан-тўғри боғлиқдир.



